

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Муҳтарам ватандошлар!
Бетакрор диёримизга янги — 2021 йил кириб келмоқда.
Сиз азизларни, мўтабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимизни — кўп миллатли бутун халқимизни ушбу гўзал айём билан чин қалбимдан табриқлайман.
Барчангизга сийҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.
Азиз дўстлар!
Ҳаммамиз гувоҳимиз, 2020 йил бутун дунё қатори юртимиз учун ҳам оғир ва мураккаб келди. Коронавирус пандемияси, глобал инқироз

инсониятни жиддий синовдан ўтказмоқда.
Мана шундай мураккаб вазиятга қарамасдан, мард ва олижаноб халқимизнинг матонати, фидокорона меҳнати билан барча соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширдик.
Иқтисодийётимизнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришга эришдик. Юқори технологияларга асосланган ўнлаб янги корхоналар, транспорт тизимлари ишга туширилди. Замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этдик.
Миришкор деҳқон ва фермерлари-

миз барча қийинчиликларни мардона энгиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада кенг имкониятлар очилди. Йил давомида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун минглаб янги иш ўринлари яратилди.
Ўтиб бораётган йил жамиятимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди.
Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтирдик. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Қадрли юртдошлар!
Биз кириб келаётган 2021 йилга яхши ният ва катта режалар билан **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”** деб ном бердик.
Янги йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бошлаган кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз.
Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.
Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.
Азиз ёшларимиз, меҳнаткаш ва оқила опа-сингилларимиз, муҳтарам кексаларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари янги босқичга кўтарилади.
2021 йилда давлатимиз мустақиллигига **30** йил тўлади. Ушбу шонли санани, иншооллоҳ, барчамиз биргаликда муносиб нишонлаймиз.
Янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган улкан ишларимизни қатъий давом эттирамиз.
Азиз ватандошларим, қадрдонларим! Шу гўзал оқшомда барчамизнинг ниятимиз, тилагимиз битта: юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!
Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, дунёмиз тинч бўлсин!
Кириб келаётган 2021 йил она диёримизга файзу барака, янги ютуқ ва зафарлар олиб келсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 31 декабрь куни **Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған** билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари кириб келаётган янги 2021 йил муносабати билан бир-бирларини самимий табриқлаб, мамлакатларимизнинг биродар халқларига тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.
Президентлар коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши ва жаҳон иқтисодийётига салбий таъсири билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кўп қиррали шерикликни изчил ривожлантиришга эришилганини алоҳида таъкидладилар.
Пандемияга қарши курашда қўриқилган ёрдам ва амалий кўмак учун Туркия томонига алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик натижалари ҳам мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва транспорт қатновлари сақлаб қолинди, бир йилда Туркия инвесторлари иштирокида 300 та янги корхона ташкил этилди. Икки мамлакатнинг етакчи компаниялари томонидан энергетика, шахарсозлик, инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодийётнинг бошқа тармоқларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда устувор йўналишларда амалга оширилаётган институционал ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун Туркиядан малакали эксперт ва маслаҳатчилар жалб қилинган.
Маданий-гуманитар алмашувлар дастури кенгаймоқда.
Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг бутун салоҳиятини самарали ишга солиш ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш лозимлигини қайд этдилар.
Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш имконини берадиган Ўзбекистон ва Туркия ўртасида преференцияли савдо келишувини тез фурсатда қабул қилиш муҳим экани таъкидланди.
Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. 2021 йилги икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди, уларга пухта тайёргарлик кўриш бўйича биринчи галдаги чоралар белгилаб олинди.
Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Ў.А.

ДУНЁНИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУРОЖААТНОМАСИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ

Тошкентда фаолият юритадиган дипломатик корпус вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун дастуриламал эканини таъкидламоқда.



ХОВОС ҲАВАС ҚИЛГУЛИК МАСКАНГА АЙЛАНДИ

Президентимиз ташаббуси билан қисқа муддатда янгидан бунёд этилган Ховос тумани маркази ҳақида “Намунали марказ” номига монанд кўркем ва замонавий кўёфага эга бўлди.

Бунёдкорлик

“Ховос сити” деб юритилаётган ушбу манзилда ўттизта беш қаватли ва кўпгина ховлили уйлар қурилди. Кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар 2021 йилни янги хонадонда ва энг асосийси, ўз уйларида кутиб оладиган бўлди. Улар орасида Гулистондаги

“Болалар шаҳарчаси”да тарбия топган тўққиз нафар чин етим йигит-қиз ҳам бор.
— Эртанги кунимдан кўнглим тўк, — дейди ана шу ёшлардан бири Лочин Умматкулов. — Чунки ўз уйим бор. Ҳозир коллежда ўқишни давом эттиряпман. Танлаган касбимнинг

устаси бўлиб, юртга сидқидилдан хизмат қилиш асосий мақсадим.
“Ховос сити”да 315 ўринли замонавий мактаб ҳам бунёд этилди. Шу билан бирга, худуддаги урта мактаб-гача таълим ташкилоти реконструкция қилинди ва яна қўшимча 160 ўринлисини қуриш кутилмоқда.
Куни кеча бу ерда бир эмас, бир неча кўркем иншоотлар фойдаланишга топширилди. Ховос юртимиз кўхна тарихининг шонли ва муҳим бўлагини ўзида сақлаган худудлар сирасидан.



ОШКОРАЛИК ВА ҲОЗИРЖАВОБЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН БУГУН ГАЗЕТАМИЗНИНГ ИЛК СОНИ ЧОП ЭТИЛГАНИГА 30 ЙИЛ БЎЛДИ.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари 1991 йил 1 январдан республика кўнун чиқарувчи органининг расмий нашри сифатида ўзбек ва рус тилларида ҳафтасига беш маротаба мунтазам чоп этила бошланди.
Ўтган йиллар мобайнида ушбу нашрлар истиқлол билан ҳамқадам ва узвий ҳамнафасликда олға одимлади, ўсиб, тобланди

ҳамда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллади. Долзарб мавзулардаги дадил қиқишлар билан қисқа вақт ичида ўқувчилар меҳрини қозонди.
Тахририятга республикада фаолият кўрсатаётган иқтидорли, журъдли қалам-кашлар жамланди. Шу тариқа ушбу нашрлар мустақиллик учун кечган тарихий курашлар,

миллий уйғониш даврининг ўзига хос кўзгусига айланди. Буни газеталарнинг дастлабки сонлари саҳифаларига битилган воқеалар тафсилоти тасдиқлайди.
Жумладан, 1991 йил 1 сентябрда мамлакатимиз тарихига зарҳал харфлар билан битилган тарихий воқеа — республика парламентининг мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини эълон қилган навбатдан

ташқари сессияси материаллари чоп қилинди. Сарлавҳалар таъсирчан, улар ҳозир ҳам бизни бефарқ қолдирмайди...
Орадан ўттиз йил ўтди. Лекин халқимиз учун қадрдон бўлган ана шу нашрларнинг ўша сарғайган саҳифаларини ҳаяжонсиз ва рақлаш имконсиз — кўз олдингизда сўзлар замирида мужассам тарих гавдаланади.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУРОЖААТНОМАСИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ

Жон Макгрегор, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:



— Мен Ўзбекистонда тўрт йилдан зиёд вақт давомида фаолият юритиб келяпман. 2016 йилги Конституцияда кунги ва инаугурация маросимидаги нуқталарни тинглаганимда ён дафтарим Президент Шавкат Мирзиёев айтган муҳим фикрлар билан тўлиб кетганини яхши эслайман. Айнан ўшанда мен давлат раҳбарининг Ўзбекистонни янги марралар сари бошлашга бўлган иштиёқини ҳис қилганман. У барчани бу йўналишда биргаликда ҳаракат қилишга чақирди ва мазкур жиҳат ўта муҳим эди. Ушанда мен мамлакат билан ҳамкорликда янада кўпроқ лойиҳаларни амалга оширишимиз, истиқбол сари тезроқ ва самарали ҳаракат қилишимиз керак, деган фикрга келдим. Бугунги кунда ҳам сайёҳаракатларимизни тезлаштириш ва ривожлантириш зарурлигини ҳис қилганман.

Навбатдаги Мурожаатнома давомида ҳам ён дафтаримни турли муҳим фикрлар билан тўлдирдим. Менимча, одамлар ўз мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар аҳамияти ва

қандай қилиб биргаликда ишлаш кераклигини янада теран англаши зарур. Чунки айнан билим ва биргаликдаги сайёҳаракатлар кўлаб долзарб масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Албатта, муаммоларни ҳукумат ҳал қилиши керак, деб ўйлаш энг осон йўл. Аммо биргаликдаги бунёдкорликнинг мазмун-моҳияти ўзига, жамиятнинг барча аъзоси бунга дахлдор бўлиши керак.

Менимча, бозор иқтисодиётига ўтиш жуда муҳим. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ушбу механизм қандай ишлашини яхши тушуниб олиши лозим. Ўзбекистонда имкониятлар жуда кенг ва улардан оқилона фойдаланиш керак, деб ҳисоблайман.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида сўз юритилар экан, мамлакатда бугун бу йўналишдаги вазият, масалан, бундан тўрт йил аввалги ҳолатга нисбатан жиҳдий ўзгараганига ғувоҳ бўлиб турибмиз. Бугунги, шуниңдек, ушбу соҳанинг ижтимоий мониторингини ҳам кузатиш мумкин.

Албатта, ҳозир ҳеч қандай муаммо йўқ, деб айта олмаймиз, аммо муҳим ва салмоқли ижобий ўзгаришлар борлиги аниқ. Қўлинан ишлар кўлами ва аҳамиятини қанчалик чуқурроқ англавса, бу келажақда ушбу соҳани янада яхшилашга асос бўлади, деб ўйлайман.

Дархан Сатибалди, Қозғистон элчиси:

— Ўзбекистон Президентининг навбатдаги Мурожаатномаси катта эътиборга лойиқ бўлганини таъкидлашни истайман. Шунингдек, у аввалгиларидан фарқ қилди. Зеро, бу ҳолат поёнига етган йил ҳам бутун дунё



учун фавқуллода бўлгани билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Президентини ўз Мурожаатномасида йил якуниларини сарҳисоб қилди. Мамлакат ўзига ҳос имтиҳон ва синовдан муваффақият билан ўтишга эришди.

Давлат раҳбари мамлакат тараққиётининг истиқболли йўналишларини белгиллаб берди ҳамда иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа барча соҳа ҳамда тармоқларни қамраб олди. Мактабга тарабияланган тюртиб илм-фан ва олий ўқув юртидан кейинги таълимгача бўлган тизимга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарордан жуда таъсирландим. Кескин ўзгаришлар юз беришга ишончим комил. Бундан ташқари, мамлакат таълим муассасалари орасида

илғор бўладиган янги универсиететни яратиш ташаббуси илгари сурилди. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрта таълимни ислох қилиш борасидаги ғоя ва тақдирларига эътибор қаратмоқчиман, чунки фикримча, муаммал умумий таълим келажақда давлатнинг иқтисодий тараққиёт даражасини юксалтиришга қўлир.

Шунингдек, ўш ўринлари яратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари фаровонлигини ошириш бўйича аниқ тақдирлар ўртага ташланди, қишлоқ жойларда таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида, жумладан, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини ошириш зарурати тилга олинди.

Коллаверса, бизнесга катта ёрдам берилаётгани, мавжуд бюрократик тўсиқлар қамаетгани ва давлат бизнесини қўлаб-қувватлаш учун жиҳдий маблағлар ажратаётгани бизни хурсанд қилди.

Яхши кўшичилик сиёсатида катта эътибор қаратилаётгани ҳам қувонарлиқдир. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президентини лавозимига сайланган, Марказий Осиёни ташқи сиёсатини устувор йўналиши сифатида белгиллаб ва навбатдаги Мурожаатномада минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш устуворлигини яна бир бор тасдиқлади.

Мухтасар айтганда, Президент нутқи мени жуда қувонтирди. Ўзбекистон халқи бир бўлиб ўз олдида қўйган барча вазифаларни бажаради, деб ҳисоблайман.

Зехавит Бен Хиллел, Исроил элчиси:



— Мамлакат ҳаётининг барча жаҳаси қамраб олинган нуктини тинглаб, катта таассурот олдим. Давлат раҳбарининг ўзидан республика кўлга қиритган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида эшитиш катта қизиқиш уйғотди.

Мен мамлакатларимиз учун умумий бўлган масалалар, ўзаро ҳамкорлигимизни йўналишларини ўзим учун белгиллаб олдим.

Хусусан, бу қишлоқ хўжалиги, таълим, имконияти кечкан болаларни қўлаб-қувватлаш соҳаларилиқ. Келгуси йилда бу йўналишлардаги ҳамкорлигимиз фаол бўлади.

Мен мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириш марказий мақсадлардан бири эканига ҳам диққат қаратдим.

Ўзбекистон раҳбарининг аёллар жамиятининг муҳим қисмидир, улар ўз салоҳияти-

ни рўёбга қаририш учун барча имкониятга эга бўлиши керак, деган фикрини қўлаб-қувватлайман. Ҳамма эшиклар улар учун очик бўлиши керак. Улар ўз тақдирини, иш ва бошқа масалаларни ўзларининг танлови асосида ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистон Президентининг ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратаётганидан жуда хурсандман.

Исроил ҳам ушбу масалага қаратилаётган эътибордан мамнун ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга фаол иштирок этишига ишончим комил.

Ўзбекистон раҳбариятининг прагматик минтақавий ва халқаро сиёсати барча халқроқ шеърлар, жумладан, Исроил билан ҳамкорлик қилиш учун тенг имкониятлар тақдим этмоқда.

Биргаликда ижобий натижа-ларга эришишимиз мумкин бўлган соҳалар жуда ҳам кўп, деб ҳисоблайман.

Янги йил арафасида Ўзбекистон халқига мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, пандемияни муваффақиятли енгиб ўтиш, шунингдек, Ўзбекистондаги тезроқ вакцина олиш имкониятига эга бўлишини тилайман.

«Дунё» АА.

МУРОЖААТНОМА ХАЛҚИМИЗГА КЎТАРИНКИ РЎҲ, ЮКСАК ИШОНЧ БАҒИШЛАДИ

Президентимизнинг парламентга ва шу орқали халқимизга йўллайдиган Мурожаатномаси кўлами ҳамда мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизнинг ҳар соҳада янада ривожланиш стратегиясини белгиллаб берадиган ҳужжат, десак, тўғри бўлади. Шу боис халқимиз ҳар йили Янги йил арафасида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этиладиган Мурожаатномани катта қизиқиш билан кутади. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Куйида давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшларнинг давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга тақдим этган навбатдаги Мурожаатнома ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

Муносабат

Мамлакатимизда миллий кадрларнинг янги авлоди тарбияланади

Президентимиз томонидан 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилгани таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан каби ёшлар қамолоти билан боғлиқ барча соҳани махсус дастур асосида янги босқичга кўтариш имкониятини яратди. Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида бу борадаги устувор йўналишларни белгиллаб берди.

Биргина олий таълим тизимида амалга ошириладиган ишлар ҳам бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни нихоятда хурсанд қилишга шубҳа йўқ. Негаки, янги йилда ҳам олий таълимнинг қамрови ва

сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилади. Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камидан 25 фоизга оширилади.

Президентимиз олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказиш, аёло баҳоларга ўқийётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этиш топиригини ҳам бердики, бу хотин-қизларимизга жамиятда ўз ўринларини топишга ишончини янада оширади, уларнинг бандлигини таъминлаш билан

боғлиқ қатор ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш имкониятини яратди.

Тошкент шаҳрида янги замонавий университетнинг ташкил этилиши ёшларимизнинг ҳорикда эмас, ўз юртимизда юқори даражада олий таълим олишга шарт-шароит ҳозирлайди. Чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, замонавий дастурлар асосида таълим бериладиган ушбу олийгоҳда рақобатбардosh миллий кадрларнинг янги авлоди тайёрланади.

Иномжон МАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирини.

Қудратимиз — аҳилликда, ҳамжиҳатликда

Давлат раҳбарининг ҳар бир чиқиши, хусусан, мамлакат ҳаёти учун стратегик аҳамият касб этувчи маъруза ва мурожаатлари нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳам катта қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан кутиб олинади.

Президентимизнинг Олий Мажлисига йўлланган Мурожаатномаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳар доимгидек, бу галги Мурожаатномани ҳам зўр қизиқиш билан тингладим. Унда энг муҳим вазифаларга эътибор қаратилдики, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига очилгани, ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш масаласи ҳам бундан мустасно эмас.

Яқин кўшичилик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар эса сайёҳлик йўналишларида ҳам янги-янги имкониятлар эшигини очди.

Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, иноқликда яшаб келаётган, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан яқин кўшичилик алоқаларининг

мустаҳкам йўлга қўйилгани қардош халқлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Биз, озарбайжон миллати вакиллари Навоий вилоятида истикомаат қилиб, ўз миллий-маданий марказимизга эгалимиз. Биз томонларда ҳам кўп ўзгаришлар бўлди. Яқинда фаолиятимиз учун барча қулайликка эга янги бинога кўчиб ўтдик. Бу ҳам Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг бир оиладек, аҳил-иноқ бўлиб яшаб келаётгани ва диний бағрикенгликнинг амалдаги ифодасидир.

Президент Мурожаатномасида 30 июль кунини Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги кунини” деб белгиллаш тақлифини зўр мамнуният билан кутиб олдик. Ҳақиқатан ҳам, аҳилликдан, халқлар дўстлиги ва бирдамлигидан қудратлироқ куч йўқ. Албатта, бу кун Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари янада бириштирилиб, миллатлараро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Севил БОЛАЕВА, Навоий вилоятидаги озарбайжон миллий маданият маркази раҳбарини.

Аёли шарафланган юртнинг истиқболи порлоқ бўлади

Янгилинишлар даври келди. Бугун эскича фикрлаб, эскича яшаб бўлмайди. Ҳаёт, ислохотлар ва давр шиддати шуни тақозо этапти. Янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлидаги сайёҳаракатларимиз бугунги барча соҳадаги юксалишлар мисолида яққол намойён бўляпти. Ҳаётбахш ислохотлар шахду шиддатини оддий бир тадбиркор кўзи билан қараб, яққол кўрапман ва ҳис қиляпман. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисида Мурожаатномасида бу борада бир йил давомида қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, янги 2021 йилдаги вазифалар белгиллаб берилди.

Бу галги Мурожаатномани тинглар эканман, беихтиёр ич-ичимдан фараҳландим. Президентимиз айтган ҳар бир фикр замирида халқ манфаати, юрт тараққиёти ҳамда иқтисодий юксалишларни кўриш мумкин. Демак, бундан ҳар биримиз мамнун бўлишга ҳақимиз.

Мурожаатномада Президентимиз ишимиздаги энг катта камчилик — билим етишмаслиги эканини таъкидлаб, афсуски, бу барча

соҳаларда сезилаётганини қайд этди. Шу фикрга тўла қўшилган ҳолда айтмоқчиманки, агар биз илмли бўлишга интилсак, фарзандларимизни ақлли, эзку ва билимдон қилиб тарбияласак, албатта, марра бизники бўлади. Тараққиёт этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиги “билимлар иқтисодиёти” ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилган ҳақидаги фикрларни ҳар бир соҳа вакили, у ким бўлишидан қатъи назар, ёдда тутиши лозим.

Айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳар томонлама дунёқароши кенг, билим ва салоҳияти юксак бўлишига эришишнинг аҳамияти катта. Сабаби улар жамиятда оналик шарафига муассар бўлишад. Бинобарин, она билимдон, зийрак ва ақлли бўлса, унинг қўлида тарбия топган фарзандлар ҳам шу йўлдан кетади. Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал

этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши бошқа ишбилармон аёллар каби мени ҳам жуда қувонтирди.

Шу маънода айтиш жоизки, мен раҳбарлик қилаётган “Сетора имкон плюс” подвалта таълим муассасасида хотин-қизлар ва ёшлар уч оиллик қўрсаларда 18 турдаги касбга ўқитилмоқда. Муассасамизда ҳар йили 600 нафардан зиёд хотин-қиз ва ёшлар ўқиб, қунара ўрганаётган ва уларнинг ақсариёти ўзини ўзи иш билан банд қилиш бўйича бизнесини йўлга қўймоқда. Аниманки, Президентимиз Мурожаатномасида айтиб ўтилганидек, хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш, касбга ўргатиш ва ҳаётга тайёрлаш 2021 йилда ҳам фаолиятимизнинг асосий мезонига айланди. Зеро, аёли шарафланган юртнинг истиқболи порлоқ бўлади.

Наргиза САЛОМОВА, Халқ депутатлари Яқкабғо тумани Кенгаши депутати.

ОШКОРАЛИК ВА ҲОЗИРЖАВОБЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Мустақилликка эришган навқирон мамлакатнинг меҳнаткаш халқи юксак мақсадлар билан эркин бозор иқтисодиёти ва қучли фуқаролик жамиятини шакллантирар экан, бу шиддатли ислохотлар ва уларнинг самараларини газеталаримиз қадамба-қадам ёритиб борди ва бу билан Ўзбекистоннинг етакчи ижтимоий-сиёсий нашлари улароқ эҳтиросига оқлатилган тарихий миссияларини ўлаб келди.

Газеталаримиз шу вақтга қадар чоп этилган қарийб саккиз минг сонида мамлакатимиз ҳаётига дахлдор тарихий воқеалар, муҳим ҳужжатлар, уларнинг маъно-мазмунини, ички ва ташқи сиёсатда амалга оширилган кенг қўламли ишлар ўз ақсини топди.

Ўқувчиларимиз газеталаримиз саҳифалари орқали нафақат республикамизнинг ривожланиш йўли ҳақида ҳабабдор бўлиб борди, балки бутун қалби билан уларда ўз сўзини айтишга — тарихий ўзгаришлар жараёнида иштирок этишга интиди.

Ҳоҳ сиёсат, ҳоҳ иқтисод, ҳоҳ таълим, маданиятнинг спорт ёки санъат ҳақида бўлсин, ёзилган барча материалларда бу руҳ яққол ифодасини топган.

Тахририятимиз жамоаси давр руҳи ва талабидан келиб чиқиб, иш услу-

лан эмас, инсонга фикр-мулоҳаза берадиган, унинг маърифатини, маънавий даражасини, эл-юрт тақдирига дахлдорлигини оширадиган таҳлилий, зефилилар, турли соҳалар олимлари, эксперт ва мутахассислар “Мамлакатимизда иқтисодий ўсишга қандай эришилмоқда?”, “Қандай омилар сиёсий ва ижтимоий барқарорлик қаролати бўлиб хизмат қилаётми?”, “Қисқа вақт ичида таъсирчан натижаларга эришишга нима имкон беришмоқда?” каби саволларга ўз ваколатлари доирасида, таҳлилий ёндашувлар, теран мулоҳазалар асосида жавоб бераётган.

Саҳифалардан жой олаётган материаллар одамлар тафаккурини, дунёқарошини, руҳинини ўзгариштиришга, миллий гуруҳини юксалтиришга хизмат қилляпти.

Президент Шавкат Мирзиёев кунги кеча парламентга Мурожаатномасида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни ҳолис ёритиш

билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, унда келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Давлат раҳбари қайд этганидек, аниқ ва танқидий материаллар жойлардаги қўлаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчлини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги, бу — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби.

Биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиллик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораёлган.

Мамлакат ислохотлар ва модернизациянинг янги, бекиёс даражада мураккаб босқичида бўлган шароитда оммавий ахборот воситалари учун ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланган, миллий медиа маконида фикр ва қарашларнинг плюрализмини таъминлаш вазифаси нихоятда долзарб бўлиб турибди. Ва бу тахририятимизнинг барча ҳодимларидан нафақат профессионал билим ва кўникмаларини, қучли фуқаролик позициясини, балки бугуннинг нафасини ҳис этиб, янгилаш ишларида интилишни ҳам талаб қилади.

Ақсинча бўлиши мумкин эмас. Бундан кейин ҳам мамлакатимизда оз бераётган кенг қўламли ўзгаришларни объектив ёритиш билан бир қаторда, ҳукумат идоралари ва жамоатчилик эътиборини жойлардаги долзарб масалаларга жалб қиламиз ва барча даражадаги раҳбарларни уларни ҳал этишга ундаймиз.

Энг муҳими, бундан кейин ҳам ҳар бир материалда мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва воқеа-ҳодисаларга объектив ёндашув устувор бўлади.

Фаолиятимиздан қониқиб ҳосил қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Ақсинча, келгусида мавзулар қамровини янада кенгайтириб, ўқувчиларимиз талаб ва истакларига ҳаммаёган фаолият кўрсатишимиз зарур. Воқеаларни ёритишда теъорикларни ошириб, одамларни ташвишга солаётган ўткир муаммолар камчиликлари янада дадил қаламга олиш галдаги устувор мақсадларимиздан биридир.

Зеро, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” халқимизнинг севилими нашлари экан, янги йилда янги гайрат-шижоат, янги оруз-мақсадлар билан халқ орасига янада кенгрок кириб бора-

«Халқ сўзи».

ХОВОС ҲАВАС ҚИЛГУЛИК МАСКАНГА АЙЛАНДИ

Янгидан бунёд этилган “Хотира майдони” ҳудудида очилган ўлкашунослик музейи ана шу мозий ҳақиқатини аҳолига ва албатта, ёшларга, келажак авлодга етказишга хизмат қилиши, шубҳасиз.



Музейдан, асосан, “Эски Ховостепа” археологик ёдгорлигидан топилиган осориётиқалар жой олган. Маълумки, Эски Ховостепа Ипак йўли чорраҳасидаги муҳим манзиллардан бири бўлган. Музей раҳбари Дилфуза Қўшматованинг айтишича, ҳали мазкур археологик ёдгорлиқнинг атиги ярим гектарида қазилма ишлари олиб борилган, холос. Қадимги шаҳарнинг умумий майдони эса 12 гектар. Шу йил августдаги қазилмаларда икки минг йиллик тарихга эга бронзадан ишланган кели сопи ва темир омон топилиган. Дори учун ишлатилган шиша идишнинг бусбутун топилиши эса бу борадаги ноёб янгилик бўлди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ховос тумани давлат хизматлари марказининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Бир вақтнинг ўзига саккизта нуқтада аҳолига сифатли ва тезкор давлат хизматлари кўрсатиладиган ушбу мажмуа кунига қарийб 80 — 100 нафар фуқаронини қабул қилиш имкониятига эга.

— Замонавий кўриниш ва барча шароитга эга марказ зарур техник жиҳоз ва воситалар билан таъминланган, — дейди Давлат хизматлари агентлигининг Сирдарё вилояти бош-

қармаси бошлиғи Б. Ортиқов. — Аҳолига яратилган қўлайликлар вақтни тежайди, турли овозрағарчилик ва харажатларнинг олдини олади. Бу ерда фуқаро вақтини навбат кутиб ўтказмайди. Айниқса, келажатда фуқаролар очик чехра билан “Ке-

ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Янги йил оstonасида туриб, 100 ёшдан ошган табаррук онахон дуосини олишга не етсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида кўра, касбилик Дилором момо Йўлдошева “Шўхрат” медали билан тақдирланган 100 ёшдан ошган нуроний онахонлардан бири.

Инсон қадри

Янги йил арафасида табаррук онахон кўксига “Шўхрат” медалини Қашқадарё вилояти ҳокими

Зойир Мирзаев тақиб кўяр экан, кексаларни қанча эъозласак оз, бу табаррук инсонлар бизнинг

бойлигимиз ва бахтимиздир, деди.

Узоқ умр кўриб, шўхрат қозонган ва кўксини “Шўхрат” медали беэаб турган Касби туманидаги Талишбе қишлоғилик Дилором момо Йўлдошева кўлини дуога очиб, 2021 йил баракали келишини, юртимиз тинч ва халқимиз фаровон яшашини ният қилди.

Узоқ умр кўришнинг сири ҳақида гап кетганда, Дилором момо “бағрикенг, кўнгил озода бўлса, умрингиз зиёда бўлади”, дейди. Онахон босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлини бугунги мунаввар кунлар билан таққослаш-

дан, яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишни неварачевараларига уқтиришдан сира чарчамайди. Талишбе қишлоғи аҳли эса Дилором момо ҳақида фахр билан сўзлашади, онахондан дуо олишни қанда қилишмайди.

— Не-не суронли кунларни кўрмадик, меҳнат қилиб эвазига тақхир хўрликларни бошдан кечирдик, — дейди момо. — Ота-онам, тенгдошларим орзу қилган бугунги тўкинчилик замонини кўриш, эл-юрт, давлат раҳбари эътиборида бўлиш менга насиб этгани учун Яратганга беадад шўхроналар айтаман. Буларнинг



барчаси мустақиллик бераётган имкониятлар самарасидир.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Реклама ўрнида

"O'zagrosug'urta" AJ

jamoasi xalqimizni

2021-yil bilan muborakkod etadi!

Uzkimyosanoat

«Ўзкимёсаноат»

акциядорлик жамияти

жамоаси

республика аҳолиси ва меҳмонларини

Янги — 2021 йил

билан қизғин табриклайди.

Янги йил Ўзбекистон халқига бахт, соғлиқ ва фаровонлик олиб келсин!

«Ўзбекистон металлургия комбинати»

акциядорлик жамияти

жамоаси

Ўзбекистон халқини

Янги — 2021 йил

билан қутлайди.

Янги йилнинг байрамона шўқуҳи йил давомида барчамизга ҳамроҳ бўлишига тилакдошимиз.

Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин, азиз юртдошлар!

**«Дўстлик» орденли
Навоий кон-металлургия
комбинати меҳнат
жамоаси**

Ўзбекистон халқини

Янги — 2021 йил

билан қутлайди!
Ўтган йил анча синовли бўлгани сир эмас.
Шукрим, биргаликда
ушбу қийинчиликларни
мардонавор енгиб ўтдик.
Ўйлаймизки, келган йил завқли
ва шукуҳли
кунларга бой бўлади.
Муҳими, ўзимизга ҳамда келажакка
бўлган ишончни
янада мустаҳкамламоғимиз лозим.
Яна бир бора Янги йилингиз
муборак, азизлар!

«Олмалиқ КМК» АЖ жамоаси

барча юртдошларимизни
Янги йил айёми билан табриклайди!

2021 йил

янги лойиҳалар,
ғоялар ва зафарлар
йилига айлансин!
Барчага мустаҳкам соғлиқ,
бахт-саодат ва жонажон Ватанимиз
равнақи йўлидаги ишларида
муваффақиятлар тилаймиз!
Янги йил муборак бўлсин!

2021

SANOAT QURILISH BANK

Хурматли ҳамюртлар!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ жамоаси
Сизларни кириб келган Янги йил билан самимий
муборакбод этади. Сизларга сиҳат-саломатлик,
бахту саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

QISHLOQQURILISHBANK

QUANT

BANK QO'LINGIZDA BO'LADI!

YANGI 2021-YIL MUBORAK BO'LSIN!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6